


Уларга ачинишнинг ҳожати йўқ



19:00 / 07 январь 349

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

الْتَّوْرَةَ تُقِيمُوا حَتَّىٰ شَيْءٌ عَلَىٰ لَسْتُمُ الْكِتَبِ يَأْهُلَ قُلْ

مِنْهُمْ كَثِيرًا وَلَيَزِيدَ بَرَيْكُمْ مِنِ إِلَيْكُمْ أُنْزِلَ وَمَا وَأَلِإِنْجِيلَ

الْقَوْمِ عَلَىٰ قَاسَ فَلَا وَكُفَّارًا طَغَيْنَا رَبِّكَ مِنِ إِلَيْكَ أُنْزِلَ مَا



«Эй аҳли китоблар! Тавротга, Инжилга ва сизга Роббингиздан нозил қилинган нарсага тўлиқ амал қилмагунингизча ҳеч нарсада эмассиз», - деб айт. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса, албатта, улардан кўпларининг туғён ва куфрини зиёда қилажак. Бас, кофир қавмларга ачинма» (Моида сураси, 68-оят).

Ушбу ояти карималар нозил бўлган пайтда яҳудий ва насоролар: «Биз аҳли китобмиз», «Бизга Аллоҳ Тавротни нозил қилган», «Бизга Аллоҳ Инжилни нозил қилган», «Биз мўминлармиз», «Биз умиз», «Биз бумиз», деб фахрланиб, мақтаниб юрар эдилар. Ушбу оятда уларнинг бу қилмишлариға баҳо берилиб, бунақа қуруқ мақтанишнинг ўрнига, бошқа тўғри ишни қилишлари лозим экани айтилмоқда. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб этиб:

«Эй аҳли китоблар! Тавротга, Инжилга ва сизга Роббингиздан нозил қилинган нарсага тўлиқ амал қилмагунингизча ҳеч нарсада эмассиз», - деб айт», - демоқда.

«Мен мўминман, мен аҳли китобман, мен аҳли Тавротман, мен яҳудий динидаман», - деб оғзи билан айтса-ю, Тавротга амал қилмаса, у одам ҳеч нарсага арзимайди. У мўмин ҳам эмас, аҳли китоб ҳам эмас ва яҳудий динидан ҳам эмас.

Яна бири: «Мен мўминман, мен аҳли китобман, мен аҳли Инжилман, мен насоро динидаман», - деб тилида айтса-ю, Инжилга амал қилмаса, у одам ҳам ҳеч нарсага арзимайди.

Агар бирор «Мен мўминман, мен аҳли китобман, мен Роббимдан нозил қилинган нарсага ишонувчи диндорман», - деса-ю, ўзи ўша Роббидан нозил қилинган нарсага амал қилмаса, ҳеч нарсага арзимайди.

Ушбу қоидадан келиб чиқилса, бирор: «Мен мусулмонман, мен аҳли Қуръонман, мен Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматман», деса-ю, ўзи Қуръонга амал қилиб яшамаса, бундай одам ҳеч нарсага арзимайди. Ундей кишиларнинг «Мен мўминман, мен

мусулмонман», деб даъво қилишга ҳақлари йўқ.

Аҳли китоблар ушбу ҳақиқатлар ила фош этилгани учун ҳам:

«Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса, албатта, улардан кўпларининг туғён ва қуфрини зиёда қиласажак».

Аввал айтилганидек, уларнинг қалблари ҳикду ҳасадга тўладир. Қолаверса, Қуръони Каримнинг очиқ-ойдин оятлари уларнинг юз ийллардан буён қилиб келаётган ёлғон даъволарини фош қилмоқда. Бу уларнинг аламларини қўзғайди, аччиқларини чиқаради. Натижада туғён ва қуфрлари янада зиёда бўлади. Баттар бўлсинлар!

«Бас, коғир қавмларга ачинма».

Уларнинг ўзлари қуфр-зулмат йўлини танладилар. Ҳидоят ва даъватга эътибор бермадилар. Энди ўзларидан кўрсинглар. Бу гаплар айниқса, аҳли китобларга алоҳида тегишлидир. Аллоҳ таоло уларга пайғамбар юбориб, самовий китоб нозил қилиб, тўғри йўлга солиб, улуғ неъмат ато қилган эди. Агар улар Таврот ва Инжилга амал қилганларида, Муҳаммад алайҳиссаломга ва Қуръони Каримга ҳаммадан аввал иймон келтирас эдилар. Чунки у зотга иймон келтириш Тавротда ҳам, Инжилда ҳам амр қилинган ва у кишининг васфлари келган. Аммо улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш ўрнига, у кишига душманлик қилдилар. Қуръони Каримга иймон келтириш ўрнига, уни эшитганда туғён ва қуфрлари зиёда бўлмоқда. Шунинг учун ҳам уларга ачинишнинг ҳожати йўқ.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди